ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КАРИМБАЕВ ЭЛДОР ХАЛМУРАТОВИЧ

ЛЕГИРЛАНГАН КУПРАТЛИ ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ ЎТА-ЎТКАЗГИЧЛАРДА ЭЛЕКТРОН ИССИҚЛИК СИҒИМИ АНОМАЛИЯЛАРИ

01.04.07 –Конденсирланган ҳолат физикаси

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

УДК 537.312.62; 538.945

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of the dissertation abstractof the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

Каримбаев Элдор Халмуратович
Легирланган купратли юқори ҳароратли ўта-ўтказгичларда электрон иссиқлик сиғими аномалиялари 3

Каримбаев Элдор Халмуратович
Аномалии электронной теплоемкости в легированных купратных высокотемпературных сверхпроводниках 23

Karimbaev Eldor Xalmuratovich
Anomalies of electronic specific heat in doped high-T_c cuprate superconductors 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КАРИМБАЕВ ЭЛДОР ХАЛМУРАТОВИЧ

ЛЕГИРЛАНГАН КУПРАТЛИ ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ ЎТА-ЎТКАЗГИЧЛАРДА ЭЛЕКТРОН ИССИҚЛИК СИҒИМИ АНОМАЛИЯЛАРИ

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.2.PhD/FM70 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Джуманов Сафарали** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ашуров Мухсин Хуррамович** физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
	Расулов Рустам Явкачович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2021 йил « » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “____”_____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М.Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ф.м.ф.д., профессор

О.Р. Тожибоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.м.ф. PhD

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда қатламли структурага эга бўлган янги легирланган кўп атомли мис-оксидли (купратли) $La_{2-x}(Ba,Sr)_xCuO_4$ ва $YBa_2Cu_3O_{7-\delta}$ (YBCO) юқори ҳароратли ўта-ўтказгичларнинг (ЮҲЎЎ) нормал ва ўтаўтказувчан хоссаларини ўрганиш замонавий конденсирланган ҳолат физикаси ва материалшунослик (шу жумладан радиациявий материалшунослик) нинг муҳим ва устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ноёб электрон хоссаларга эга бўладиган янги истиқболли ЮҲЎЎ-материалларни яратиш мақсадида бундай қатламли ЮҲЎЎ-купратларнинг янги экзотик хоссаларини турли хил ҳароратлар ва легирлаш даражаларида ўрганиш ҳам фундаментал ҳам амалий жиҳатдан долзарб масала ҳисобланади. Легирланган ЮҲЎЎ-купратларни жадал назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш ишлари учинчи ўн йилликдан бери давом этиб келишига қарамасдан, бу материалларнинг кам легирланган, оптимал легирланган ва етарлича ўталегирланган режимларидаги ғайриоддий нормал (ўтаўтказувчанликнинг критик ҳарорати T_c дан юқорида) ва ўтаўтказувчан (T_c дан қуйида) хоссаларини тушунишга зарур бўладиган аниқлик йўқ. Шунинг учун кам легирланган ва оптимал легирланган $La_{2-x}Sr_xCuO_4$ (LSCO) ва YBCO ЮҲЎЎ-купратларнинг T_c дан юқори ҳароратлардаги ғайриоддий (аномалия) иссиқлик хоссаларини назарий тадқиқ қилиш жуда катта қизиқиш уйғотади ва ўта долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда электрон иссиқлик сиғимининг псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* даги ва ўтаўтказувчанликнинг критик ҳарорати T_c даги ғайриоддийликлари кузатилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ғайриоддий электрон-фонон ўзаро таъсирлашишлар ЮҲЎЎ-купратларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экан. Бунда иссиқлик хусусиятлари, хусусан, кам легирланган, оптимал легирланган ва етарлича ўталегирланган ЮҲЎЎ-купратларда ўтаўтказувчанликканинг критик ҳарорати T_c дан юқори ҳароратлардаги иссиқлик сиғими оддий ўтаўтказгичларнинг нормал ҳолатидаги худди шундай хусусиятларига нисбатан ғайриоддийдир. Бу фундаментал масалаларни T_c дан юқори ҳароратларда ток ташувчилар жуфтлашишининг ғайриоддий электрон-фонон механизмларига ва T_c дан қуйи ҳароратларда полярон Купер жуфтларининг тортишувчи Бозе-газининг ғайриоддий ўтаоқувчан конденсациясига асосланган ностандарт назарий ёндошувлар доирасида ечиш, легирланган ЮҲЎЎ-купратларда иссиқлик хусусиятлари муаммоларини ҳал қилиш билан биргаликда бу экзотик ўтаўтказгичларда псевдотирқиш ҳосил бўлишининг механизмларини ва янги ўтаўтказувчан ўтишларни аниқлашга имкон беради.

Ўзбекистонда сўнги йилларда конденсирланган ҳолат физикаси (хусусан, нанотаркибли ва ўтаўтказувчан материаллар физикаси ҳамда яримўтказгичлар физикаси) ва бу йўналишда дунё миқёсида эътиборга молик фундаментал тадқиқотларни ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу фундаментал тадқиқотлар мамлакатимиз илм-фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг амалий татбиғи 2017–2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида[1] акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4526-сон “Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энерготежамкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жаҳонда легирланган ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон структураси, иссиқлик хусусиятлари, хусусан, электрон иссиқлик сиғимини назарий ва тажрибада ўрганиш бўйича кўплаб олимлар иш олиб бормоқда, жумладан, америкалик (P.W. Anderson, J.R. Schrieffer, D. Pines, S.A. Kivelson, P.A. Lee, C.M. Varma, D. Emin, A. Yazdani, A.C. Fang ва бошқ.), англиялик (A.S. Alexandrov, A. Carrington, J.R. Cooper, N.E. Hussey, J.W. Loram, J.L. Tallon, V.J. Emery, T. Rice ва бошқ.), швейцариялик (Ø. Fischer, Ch. Renner, C. Berthod ва бошқ.), канадалик (A. Damascelli, A. Kapitulnik), бельгиялик (J.T. Devreese ва бошқ.), хитойлик (H. When, L. Yu, Zhao ва бошқ.), японияли к (S. Uchida, Y. Koike, S. Ono, Y. Ando, M. Ido, A. Matsuda, T. Kato ва бошқ.), ҳиндистонлик (G. Baskaron, Inderhees ва бошқ.), россиялик (A.I. Larkin ва бошқ.) ва бошқа олимлар ишлаганлар. Ўзбекистонлик олимлар (С. Джуманов, Б.Я. Явидов, П.Ж. Байматов, Б. Абдуллаев) томонидан купратларнинг юқори ҳароратли ўтаўтказувчанлик механизмлари ва турли хил электрон хусусиятлари бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Бу тадқиқотларнинг натижасида хитойлик олимлар (Zhao ва бошқ.) купратли ўтаўтказгичларнинг солиштирма электрон иссиқлик сиғимининг ҳароратга боғлиқлигидаги БКШ-симон ғайриоддийлик (кескин (сакраб) ўзгариш) нормал ҳолатда ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати T_c дан юқори ҳароратларда намоён бўлишини тахмин қилдилар. Юқори ҳароратли ўтаўтказувчан купратларнинг юқорида келтирган хусусиятларини тушунтириш учун турли хил назарий моделлар таклиф этилди (Wu, Zhao,

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

С.Джуманов, Tallon, Садовский, Damascelli ва бошқ.). Кўп экспериментаторлар эса (Lee, Kresin ва бошқ.) ЮҲЎЎ-купратлардаги псевдотирқиш ҳодисасига ва юқори ҳароратли ўтаўтказувчанликда ностандарт электрон-фонон ўзаро таъсирлашувлар (полярон эффектини ҳисобга олган ҳолда) иштирок этишлари мумкинлигини кўрсатдилар. Баъзи тадқиқотчилар (С.Джуманов, Timusk, Tallon, Садовский, Lee, Kresin ва бошқ.) ЮҲЎЎ-купратларнинг нормал ҳолатидаги турли хил ғайриоддийликлар уларнинг уйғониш спектрларида маълум бир характеристик ҳарорат T^*дан қуйи ҳароратларда ҳосил бўладиган псевдотирқиш билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблашади ва бу ЮҲЎЎ-материаллар $T_c<T^*$ ёки $T_c<<T^*$ ҳароратларда янги ўтаўтказувчанликка ўтишни бошдан кечирадилар. Ўтаўтказувчанликка ўтишнинг критик ҳарорати T_c дан юқорида ток ташувчиларнинг жуфтлашиши билан боғлиқ купратларнинг БКШ-симон псевдотирқишли ҳолати мавжуд эканлиги тўғрисидаги ғоя ва бу материалларнинг T_c дан юқорида солиштирма иссиқлик сиғимининг ҳароратга боғлиқлигидаги ғайриоддийликлар С. Джумановнинг ишларида назарий жиҳатдан ифодаланган.

Бироқ баъзи бир ЮҲЎЎ-купратларнинг кўпгина термодинамик хусусиятларини тушунишдаги ютуқларга қарамай, ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати T_c дан юқорида LSCO ва YBCO бирикмаларнинг солиштирма иссиқлик сиғимининг ҳароратга боғлиқлигида ғайриоддийликлар келиб чиқишининг сабаби ҳақидаги савол ҳалигача баҳсли ва аниқланмаган. Ғайриоддийликларнинг келиб чиқиш муаммоси, яъни ЮҲЎЎ-купратларда T_c дан юқори ҳароратларда солиштирма иссиқлик сиғими $C_e(T)$ нинг қиймати кескин (сакраб) ўзгариши, бу бирикмаларнинг нормал ҳолатида нокогерент Купер жуфтлари ҳосил бўлиши билан боғлиқ муаммо шу кунгача ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқотлар режасининг № ФА-Ф2-Ф070 “Реактор материаллари ва юқори ҳароратли ўтаўтказгичларнинг махсус электр, иссиқлик ва механик хоссаларини тадқиқ қилиш” (2007–2011), № Ф2-12 “Кучсиз легирланган купратлар электрон тузилишида псевдотирқишларнинг ҳосил бўлиш механизми ва уларнинг ўтаўтказувчанликка ўтиш температурасидан юқорида купрат-металл контактларининг туннел характеристикаларида намоён бўлиши” (2012–2013), № ФА-Ф2-Ф120 “Кичик ўлчамли юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар, яримўтказгичли гетроструктуралар, металл ва уларнинг оксидларининг электрон хоссалари ва радиациявий такомиллаштирилиши” (2012–2016), № ОТ-Ф2-15 “Юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар ва уларга ўхшаш конденсирланган системаларнинг янги ўта ўтказувчанлик ва ўта оқувчанлик хоссаларини назарий тадқиқ қилиш” (2017–2020) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори ҳароратли ўта-ўтказувчан LSCO ва YBCO купратларда ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳароратидан қуйи ва юқори ҳароратларда нормал ва ўтаўтказувчан ҳолатлардаги электрон иссиқлик

сиғимидаги ғайриоддийлик (аномалия) табиатини легирлаш даражасига боғлиқ ҳолда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

легирланган ЮҲЎЎ-купратларда заряд ташувчиларининг мумкин бўлган турларининг табиатини ўрганиш;

легирланган ЮҲЎЎ-купратларнинг нормал ҳолатдаги электрон иссиқлик сиғимини ёритиб бериш учун аналитик ифодасини аниқлаш;

ЮҲЎЎ-купратларда БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* дан юқори ва қуйи ҳароратларда электрон иссиқлик сиғимини ҳисоблаш;

легирлашнинг турли даражаларида ЮҲЎЎ-купратларда электрон иссиқлик сиғими $C_e(T)$ нинг номоён бўлиш эҳтимолини аниқлаш ва T^* атрофида $C_e(T)$ аномалияси табиатини ўрнатиш;

легирланган ЮҲЎЎ-купратларнинг нормалҳолатида T_c дан юқоридаэлектрон иссиқлик сиғими $C_e(T)$ нингҳароратга боғлиқ равишда ҳисобланган қийматларини мавжуд тажриба натижалари билан таққослаш;

легирланган ЮҲЎЎ-купратларда T_c яқинида ўта оқувчан Бозе-газининг иссиқлик сиғими учун аниқ аналитик ифодаларни олиш;

ЮҲЎЎ-купратларда уларнинг T_c яқинида ўта оқувчан ҳолатидаги электрон иссиқлик сиғимини ҳисоблаш ва T_c атрофида $C_e(T)$ нинг λ-симон аномалияси мавжуд бўлиш эҳтимоллигини аниқлаш;

легирланган ЮҲЎЎ-купратларнинг ўтаўтказувчан ҳолатида T_c яқинида электрон иссиқлик сиғими $C_e(T)$ нинг ҳароратга боғлиқ равишда ҳисобланган қийматларини мавжуд тажриба натижалари билан таққослаш.

Тадқиқотнинг объектини поляронлар ва биполяронлар, кам легирланган, оптимал легирланган ва мўътадил юқори легирланган ЮҲЎЎ-купратлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ЮҲЎЎ-купратларда уларнинг турли хилдаги легирлаш даражаларида псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратлари T^* ва ўтаўтказувчанликка ўтишнинг критик ҳарорати T_c даги электрон иссиқлик сиғими аномалиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Квант ва статик механиканинг математик аппарати, континуал модели, вариацион усул, рақамли усуллар, поляронларнинг БКШ-симон жуфтлашиши ва тортишувчан Бозе-газлар, биполяронлар ва Купер жуфтларининг ўтаоқувчан конденсациясини ўрганиш учун ўртача майдон усули.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта легирланган ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон иссиқлик сиғими бўйича эксперимент натижаларини қониқарли равишда тавсифловчи ҳарорат ва легирлаш даражасининг функцияси бўлган БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* дан юқори ва қуйи ҳароратларда ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон иссиқлик сиғими учун аналитик ифода олинган;

БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати $T^*>T_c$ да БКШ-симон фазавий ўтиш билан боғлиқ бўлган ўтаўтказувчанликка ўтишнинг критик

ҳарорати T_c дан юқорида ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон иссиқлик сиғими табиатининг аномалиялари аниқланган;

биринчи марта ўтаоқувчан Бозе-суюқлиги модели доирасида ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати T_c атрофидаги ўтаўтказувчан ҳолатидаги ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон иссиқлик сиғими ифодаси олинган ва назарий ҳисобланган;

ЮҲЎЎ-купратлар $La_{2-x}Sr_xCuO_4$ ва $YBa_2Cu_3O_{7-\delta}$ ни легирлаш даражасидан боғлиқ бўлган ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати T_c да ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон иссиқлик сиғимининг λ–симон аномалияларининг мавжуд бўлиш имкониятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли даражаларида легирланган ЮҲЎЎ-купратларнинг нормал ва ўтаўтказувчан ҳолатларидаги электрон иссиқлик сиғими аномалияларини тушунтириш учун полярон модели доирасида микроскопик ёндошув ишлаб чиқилган;

ЮҲЎЎ-купратларнинг турли легирлаш даражаларида псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* даги ва ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати T_c даги электрон иссиқлик сиғимлари учун янги аналитик формулалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги квант механикаси ва конденсирланган ҳолатлар назарий физикасининг замонавий усуллари ҳамда электрон иссиқлик сиғими учун янги формулаларни келтириб чиқаришда ўрта майдон БКШ-симон усулини қўллаш орқали, олинган илмий натижаларнинг эксперимент натижалари билан мувофиқлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларнинг легирланган купратли ўтаўтказгичлар ва шунга ўхшаш материалларнинг нормал ва ўтаўтказувчан ҳолатларида кузатиладиган электрон иссиқлик сиғимидаги ғайриоддийликлар тўғрисидаги физикавий тасаввурларнинг кенгайишига имкон беришидадир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган легирланган ЮҲЎЎ-купратларда ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати ва псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратларидаги электрон иссиқлик сиғимининг λ-симон ғайриоддийликлари ҳосил бўлишлигидаги моделлар тасаввурларининг ривожланиши юқори ҳароратли ўтаўтказувчанлик ва псевдотирқиш ҳодисаларининг назарияларини ишлаб чиқишда сезиларли ютуқларга эришишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Легирланган ЮҲЎЎ-купратларнинг нормал ва ўтаўтказувчан ҳолатларида электрон иссиқлик сиғимидаги аномалиялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* дан юқори ва қуйи ҳароратларда ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон иссиқлик сиғими учун олинган аналитик ифодалар “Кичик ўлчамли ва кучли анизотроп ўтказгичларнинг қуйи ҳароратлардаги транспорт хусусиятлари” (2013–2017) илмий тадқиқот лойиҳасида ЮҲЎЎ-материалларнинг ғайриоддий термодинамик хусусиятларини ўрганишда қўлланилган (Украина Миллий Фанлар академияси Б.И. Веркин номидаги Паст ҳароратлар Физика-техника

институтининг 2021 йил 20 апрелдаги № 64/310-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши юқори ҳароратли ўтаўтказгичларда электрон иссиқлик сиғимининг хусусиятини тушунтириш имконини берган;

ўтаўтказувчанликка ўтиш критик ҳарорати T_c дан юқори ҳароратларда ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон иссиқлик сиғими аномалияларининг ойдинлаштирилган табиати № 3079ГФ4 “Органик металл перовскитлар асосида янги юқори самарали қуёш элементларини яратиш ва тадқиқ қилиш” лойиҳаси доирасида полимер композит материалларнинг ғайриоддий электрон хусусиятларини ўрганишда қўлланилган (Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университетининг 2021 йил 21 апрелдаги № 19-9-1239-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши наноструктурали қатламлар ва фотон кристалларидан фойдаланган ҳолда самарали қуёш элементларини яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш имконини берган;

ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати T_c атрофида ўтаўтказувчан ҳолатдаги ЮҲЎЎ-купратларнинг электрон иссиқлик сиғими учун олинган ифода ва назарий ҳисоблашлар № 3079ГФ4 “Органик металл перовскитлар асосида янги юқори самарали қуёш элементларини яратиш ва тадқиқ қилиш” лойиҳаси доирасида полимер композит материалларнинг ғайриоддий электрон хусусиятларини ўрганишда (Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университетининг 2021 йил 21 апрелдаги № 19-9-1239-сонли маълумотномаси) ҳамда чет эл олимлари томонидан LSCO ва YBCO бирикмали ЮҲЎЎ-купратларнинг нормал ҳолатида турли легирлаш даражаларидаги электрон иссиқлик сиғимининг аномалияларини ўрганишда қўлланилган (халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар: Journal of Physics: Conference Series 592, 012075, 2015; International Journal of Modern Physics B 29, No.24, 1550180, 2015; Physics Letters A 383, 1330-1335, 2019). Илмий натижаларнинг қўлланилиши бир жинсли бўлмаган купратларда заряд кўчиришнинг табиатини тушунтиришга имкон берган;

ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати T_c да LSCO ва YBCO бирикмали ЮҲЎЎ-купратларнинг легирлаш даражасидан боғлиқ бўлган электрон иссиқлик сиғимининг λ-симон аномалиялари мавжуд бўлишлигининг аниқланиши “Кичик ўлчамли ва кучли анизотроп ўтказгичларнинг қуйи ҳароратлардаги транспорт хусусиятлари” (2013–2017) илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида ЮҲЎЎ даюқори ҳароратли псевдотирқишли ҳолатлар соҳасида кучли боғланган бозонлар ҳосил бўлиш имкониятини тушунтиришда қўлланилган (Украина Миллий Фанлар академияси Б.И. Веркин номидаги Паст ҳароратлар Физика-техника институтининг 2021 йил 20 апрелдаги № 64/310-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши YBCO купратларида псевдотирқишнинг ҳароратга боғлиқлигининг максимумини БЭК-БКШ кроссоверининг ҳарорати сифатида танлаб олинишини асослашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида

ва халқаро мактабларда, Наманган давлат университети ва Материалшунослик институти илмий семинарларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси доирасида жами 11 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақолалар, шулардан 1 таси ҳорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иккита иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 95 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси муҳокама қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган. Диссертация ишининг апробацияси ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Легирланган ЮҲЎЎ-купратларнинг термодинамик хусусиятлари тўғрисидаги мавжуд тушунчалар”** деб номланган биринчи бобида кристалл қаттиқ жисмларда, шу жумладан, ЮҲЎЎ материалларда заряд ташувчиларнинг энергетик соҳалари ҳосил бўлиш муаммосининг замонавий ҳолатини ҳамда ЮҲЎЎ купратларда уларнинг нормал ва ўтаўтказувчан ҳолатдаги термодинамик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича адабиётлардаги таҳлили берилган. Илмий адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлили асосида боб якунида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“ЮҲЎЎ-купратларнинг нормал ҳолатдаги электрон иссиқлик сиғими”** деб номланган иккинчи бобида купратларда электронларнинг бир жинсли бўлмаган тақсимланишини инобатга олиб ток ташувчиларнинг табиати, модификацияланган БКШ-симон модел ва T_c дан юқорида катта поляронларнинг прекурсив Купер жуфтлашиши, ЮҲЎЎ купратларда уларнинг нормал ҳолатдаги БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* дан юқори ва қуйи ҳароратларда электрон иссиқлик сиғими қаралган.

ЮҲЎЎ купратлар ҳолатида T_c дан юқори ҳароратларда катта поляронларнинг прекурсив Купер жуфтлашиши табиий равишда БКШ назариясининг ноодатий шаклида ёзилади. Бундай БКШ формализм оралиқ электрон-фонон ўзаротаъсир режими БКШ-симон тирқиш ёки псевдотирқиш Δ^* ни ва псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* (Dzhumanov S. New York: Nova Science Publishers, 2013.–P.365) ни аниқловчи тенгламага олиб келади:

$$\frac{1}{\lambda^*} = \int_0^{\varepsilon_A} \frac{d\varepsilon}{\sqrt{\varepsilon^2+\Delta^{*2}(T)}} \tanh \frac{\sqrt{\varepsilon^2+\Delta^{*2}(T)}}{2k_B T}, \quad (1)$$

бу ерда $\lambda^* = \mathrm{D_p}(\varepsilon_\mathrm{F})\tilde{V}_p$– эффектив БКШ-симон ўзаротаъсир доимийси, $D_p(\varepsilon_F)=1/\varepsilon_F$– спиннинг бир ориентацияси учун поляронларнинг Ферми сатҳидаги ҳолатлар зичлиги, ε– поляронли Ферми энергияси $\varepsilon_F=\hbar^2(3\pi^2 n)^{2/3}$ дан айрилган катта поляронлар энергияси, $n=N_1/\Omega$– CuO_2 қатламдаги хусусий поляронлар концентрацияси, N_1– шундай поляронлар сони, Ω– кристалл ҳажми, $\tilde{V}_p = V_{ph} - \tilde{V}_c$– полярон-полярон ўзаротаъсир эффектив потенциали, V_{ph}–фононлар воситачилигидаги икки полярон ўртасидаги ўзаротаъсир потенциали, $\tilde{V}_c = V_c/\left[1 + \mathrm{D_p}(\varepsilon_\mathrm{F})V_c \ln\left(\varepsilon_\mathrm{c}/\varepsilon_\mathrm{A}\right)\right]$– поляронлар орасидаги экранланган Кулон ўзаротаъсир потенциали, V_c– асос Кулон потенциали, $\varepsilon_A=E_p+\hbar\omega_0$– ноодатий тортишувчи электрон-фонон ўзаротаъсир узилиш параметри.

$T=T^*$ ва $\varepsilon_c>\varepsilon_A\gg k_B T^*$ муносабат бажарилса, (1) дан қуйидаги тенгламани оламиз:

$$k_B T^* = 1.134\left(E_p + \hbar\omega_0\right)\exp\left[-\frac{1}{\lambda^*}\right]. \quad (2)$$

(2) тенгламадан кўринадики, $T_c=T^*$ да одатий БКШ тасвир, юқори легирланган купратларнинг хусусий ҳолидаги каби амалга ошади, яъни полярон эффекти йўқолади ва (2) тенглама экспоненциал олдидаги кўпайтма $\hbar\omega_0$ га алмашади.

Легирланган купратларда заряд ташувчилар бир жинсли тақсимланмаган (яъни, киритма марказлари CuO_2 қатламдагига қараганда кўп заряд ташувчиларга эга бўлиши мумкин ёки аксинча) ва бундай бир жинсли бўлмаган заряд ташувчиларнинг тақсимланиши киритмаларсиз соҳаларда ва киритмалар яқинида хусусий ва хусусий бўлмаган (яъни киритмали) катта поляронларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Кам ва оптимал легирланган купратларда зарядларнинг бир қисми киритмалар билан боғланган катта поляронларнинг ҳосил бўлиши билан, киритмалар яқинида енгил автолокаллашишини, зарядларнинг қолган қисми эса хусусий катта поляронлар ҳосил бўлиши билан деформацияланган кристалл панжарада автолокаллашишини кутиш мумкин. Бундай рақобатлашадиган автолокаллашиш жараёнлари киритмали ҳудудлар ва киритмали марказлар ўртасидаги полярон ток ташувчиларининг қайта тақсимланишига олиб келади. Шунинг учун, ЮҲЎЎ-купратларнинг ғайриоддий металл ҳолатларида T^* дан қуйида поляронли соҳасида катта поляронларнинг БКШ-симон Купер жуфтлашиши содир бўлади деб тахмин қилиш мумкин, у ҳолдакиритмалар яқинида локаллашган катта поляронлар жуфтлашмай қолиши мумкин. T^* дан юқори ҳароратларда бу икки хил турдаги катта поляронлар $C_e(T)$ га ўз ҳиссаларини қўшади ва электрон иссиқлик сиғими қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$C_e(T > T^*) = (\gamma_{e1} + \gamma_{e2})T, \quad (3)$$

бу ерда $\gamma_{ei} = 2\pi^2 D_p(\varepsilon_{Fi})k_B^2/3 = (\pi^2/3)k_B^2 g(\varepsilon_{Fi})$ (i=1,2), (ε_{Fi})=$3N_i/2\varepsilon_{Fi}$=$3Nf_i/2\varepsilon_{Fi}$ – полярон сатҳидаги Ферми ε_{Fi} ҳолатлар зичлиги (иккала спин йўналишларини ҳам ҳисобга олган ҳолда), N_i– i-чи типдаги катта поляронлар сони, $N=N_1+N_2$– системадаги поляронли ток ташувчиларнинг тўлиқ сони, $f_i=N_i/N$– i-чи типдаги катта поляронли ток ташувчиларнинг улуши.

Легирланган купратларда $C_e(T>T^*)$ нинг чизиқли ҳад коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$\gamma_e = \gamma_{e1} + \gamma_{e2} = \frac{\pi^2}{2} k_B^2 x N_A \left(\frac{f_1}{\varepsilon_1} + \frac{f_2}{\varepsilon_2}\right), \tag{4}$$

бу ерда биз CuO_2 қатлам бирлигидаги (ёки панжарадаги атомлар) сони бирлик моляр ҳажмдаги Авогадро сони N_A=6,02×10^{23} моль$^{-1}$ га тенг деб ҳисобга олдик, $x=N/N_A$– ток ташувчиларнинг бирликсиз концентрацияси, k_BN_A=8,314 Дж/моль · К.

Легирланган ЮҲЎЎ купратлардаги ҳақиқий экспериментал вазиятни ва $C_e(T)$ ни миқдорий жиҳатдан ёритиб берадиган муҳим параметрлар ε_{Fi} ва f_i ҳисобланади. LSCO ва YBCO бирикмалари учун γ_e нинг қийматини баҳолаймиз. ε_{Fi} ва f_i нинг поляронли (ε_{F1}≃0.15 эВ, f_1=0.6) ва киритмали (ε_{F2}=0.06 эВ, f_2=0.4) соҳалардаги ўзига хос қийматларидан фойдаланиб LSCO учун x=0.1 да γ_e≃5,67мДж/моль · К^2 қийматни оламиз. γ_e нинг экспериментдаги қиймати (4.9–7.3) мДж/моль · К^2 оралиқда ётади. YBCO бирикма учун легирлаш даражасини қуйидаги муносабатдан аниқласа бўлади (M. Muroi et al. Physica C 246 (1995) 357):

$$x(\delta) = \begin{cases} (1-\delta)^3 \textit{для} \quad 0 \le 1-\delta \le 0.5\,, \\ (0.5-\delta)^3 + 0.125 \quad \textit{для} \quad 0.5 < 1-\delta \le 1\,, \end{cases} \tag{5}$$

x(δ=0.115)≃0.182 шундан келиб чиқади. YBCO учун ε_{F1}=0.20 *эВ*, ε_{F2}=0.1 *эВ*, f_1=0.6 ва f_2=0.4 инобатга олиб, γ_e=4,65 мДж/моль · К^2 ни топамиз. γ_e нинг бу қиймати YBCO учун тажрибада олинган натижалар γ_e≃4.3–4.9мДж/моль · К^2 (A. Junod, et al. Physica C 185-189 (1991) 1399) билан мос тушади.

БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* дан қуйида, $C_e(T)$ уч турдаги заряд ташувчилар улушини беради: (i) поляронли соҳадаги Купер жуфтларининг диссоциацияси (уйғониши) билан пайдо бўлувчи Боголюбов квазизарралари, (ii) киритмали ҳудуддаги жуфтлашмаган поляронлар ва (iii) нокогерент (ўтаўтказгич бўлмаган) Купер жуфтларининг идеал Бозе-гази. $C_e(T)$ даги Боголюбов квазизарраларининг улушини қуйидагича аниқланилади:

$$C_{e1}(T < T^*) = \frac{g(\varepsilon_{F1})}{k_B T^2} \int_0^{\varepsilon_A} f(E)\big(1 - f(E)\big)\left[E^2(\varepsilon) - \frac{T}{2}\frac{d\Delta^{*2}(T)}{dT}\right], \tag{6}$$

бу ерда $g(\varepsilon_{F1}) = 3N_A x f_1/2\varepsilon_{F1}$, $f(E) = \left[e^{E/k_BT} + 1\right]^{-1}$, $E(\varepsilon) = \sqrt{\varepsilon^2 + \Delta^{*2}(T)}$.

БЭК ҳарорати $T_{БЭК}$ дан қуйида идеал Бозе-газнинг энергияси қуйидагича аниқланади (Landau L., Lifshitz E., Stat. Phys. Part I. –M: Nauka, 1976. P.530.):

$$U = 0.77 N_c k_B T \left(\frac{\mathrm{T}}{T_{\text{БЭК}}}\right)^{3/2}, \quad (7)$$

бу ерда N_c– Бозе-зарраларининг сони. Бундай нокогерент Купер жуфтли Бозе-газнинг иссиқлик сиғими қуйидаги муносабатдан аниқланади:

$$C_{e3}(T < T^*) = \frac{\mathrm{dU}}{dT} = 1.925 k_B N_c \left(\frac{\mathrm{T}}{T_{BEC}}\right)^{3/2}. \quad (8)$$

У ҳолда, T^* дан қуйи ҳароратларда тўлиқ электрон иссиқлик сиғими қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$C_e(T < T^*) = C_{e1}(T) + C_{e2}(T) + C_{e3}(T), \quad (9)$$

бу ерда $C_{e2}(T < T^*) = (\pi^2/2) k_{\mathrm{B}}^2 T g(\varepsilon_{\mathrm{F2}})$–киритмали соҳадаги жуфтлашмаган поляронларнинг иссиқлик сиғими ва $\mathrm{g}(\varepsilon_{\mathrm{F2}}) = 3\mathrm{N_A} x \mathrm{f_2}/2\varepsilon_{\mathrm{F2}}$.

Поляронли ток ташувчиларнинг БКШ-симон жуфтлашиши юз берадиган псевдотирқиш $\Delta^*(T)$ ни ва бу псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳарорати T^* ни (1) тенгламадан аниқланади. ЮҲЎЎ купратларнинг нормал ҳолатида ҳосил бўлувчи бундай псевдотирқишларнинг қиймати T^* дан анча паст ҳароратларда қуйидаги ифодадан аниқланади ва $0.75T^*<T\leq T^*$ ҳароратлар оралиғида энг яхши яқинлашиш ҳисобланади:

$$\Delta^*(T) = 3.06 k_B T^* \sqrt{1 - \frac{T}{T^*}}. \quad (10)$$

1- расмда БКШ-симон псевдотирқиш Δ^* нинг ҳароратга боғлиқлиги, (1) ифоданингλ^*=0.57, T^*=98 К қийматлардаги аналитик ечими ва (10) ифоданинг T^*=98 К қийматдаги рақамли ечимлари таққосланган. 1- расмдан, бу яқинлашишлар $0.75T^*<T\leq T^*$ ҳароратлар оралиғида жуда яхши яқинлашишлар ва бизнинг ҳисоблашларимиз учун етарли эканлигини кўриш мумкин, аммо паст ҳароратларда улар орасида оғишлар мавжуд.

Нокогерент Купер жуфтларининг сони N_c ва уларнинг БЭК ҳарорати мос равишда қуйидаги ифодалардан аниқланади:

$$N_c = \frac{1}{4} \mathrm{g}(\varepsilon_{\mathrm{F1}}) \int_{-\varepsilon_A}^{\varepsilon_A} \left[1 - \frac{\varepsilon}{E}\right] \frac{\mathrm{e}^{E/k_B T}}{\mathrm{e}^{E/k_B T} + 1} d\varepsilon, \quad (11)$$

ва

$$T_{БЭК} = \frac{3.31 \cdot \hbar^2}{k_B m_c} N_c^{\ 3/2}, \quad (12)$$

бу ерда m_c=2m_p– полярон Купер жуфтлари массаси, $\varepsilon_{F1}>\varepsilon_A$=0.1 эВ, m_p=2m_e.

N_c ва $T_{\text{БЭК}}$ катталикларнинг рақамли ҳисоблашлари T^* га яқинроқ жойда $T_{\text{БЭК}}$ нинг қиймати T^* га жуда яқин (яъни, $T_{\text{БЭК}}\geq T^*$), лекин T^* анча кичикроқ бўлганда $T_{\text{БЭК}}\gg T^*$ муносабатни кўрсатди ва $C_e(T>T^*)$ ҳисоблаш натижалари, ε_{Fi} ва f_i катталиклар ўзгариши ҳисобига содир бўладиган, поляронли ва киритмали соҳалардаги полярон ток ташувчиларнинг тақсимланишига сезиларли боғлиқ. Умуман олганда, $C_e(T)$ нинг номоён бўлиши ε_{Fi}, f_i, x параметрларни танлашга сезиларли боғлиқ ва бизни ўзаро мос ҳисоблашлар натижасида, поляронли ва киритмали соҳалар ўртасидаги заряд

ташувчиларнинг ўзгаришини тегишли тақсимотидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тажриба билан таққослаш учун фойдаланишга ундайди деб хулоса чиқаришимизга олиб келади. Легирланган ЮҲЎЎ купратлар учун C_e ва C_e/T катталиклар учун кузатиладиган ҳароратга боғлиқликни янада мосроқ танлов ва мос келадиган параметрларни синчковлик билан ўрганиш орқали олиш мумкин. Бундай танлов турли ЮҲЎЎ купратларда $C_e(T)$ бўйича назария ва тажрибани мос тушириш учун зарур. $T=T^*$ да $C_e(T)$ нинг миқдорий хусусиятлари, асосан, $C_e(T)$ га псевдотирқиш ва киритма эффектлари ўртасидаги рақобат билан белгиланади. Бу рақобат кам ва оптимал легирланган ЮҲЎЎ купратларда T_c дан юқорида $C_e(T)$ нинг мумкин бўлган БКШ-симон сакрашларнинг шакли ва ўлчамини аниқлаб беради. Уйғонган Купер жуфтларининг Ферми компоненталари ва ўтаўтказгич бўлмаган бозон Купер жуфтларининг ҳиссаси туфайли $C_e(T<T^*)$ га БКШ-симон улуши киритмали соҳадаги жуфтлашмаган ток ташувчиларнинг улушидан устунлик қилганда, T^* да $C_e(T)$ нинг БКШ-симон аномалияси ўзини ёрқин намоён қилади (2-расм). Аммо, $C_e(T)$ да киритманинг ҳиссаси БКШ-симон ҳиссадан устунлик қилса, у ҳолда вазият сезиларли равишда ўзгаради. Бу ҳолда, $C_e(T)$ боғлиқлик, T_c дан юқорида $C_e(T)$ га киритманинг нисбатан катта улуши ҳисобига сезиларли даражада ўзгаради ва $C_e(T)$ даги боғлиқликнинг бузилиши заифлашади ёки БКШ-симон аномалия камроқ намоён бўлади ва бу тажрибаларда ҳам кузатилади. 2-расмда легирлаш даражаси x=0.10 бўлган кам легирланган ўтаўтказувчан купратнинг электрон иссиқлик сиғимининг T/T^* келтирилган ҳарорати T^*=140 K яқинида функциясига боғлиқлигининг параметрлар $\varepsilon_{F1}\simeq0.189$ эВ, $\varepsilon_{F2}\simeq0.043$ эВ ва f_1=0.7, f_2=0.3 дан фойдаланилган ҳолдаги графиги келтирилган. 2-расм кўргазма қисмида айнан ўша ўтаўтказувчан купратнинг электрон иссиқлик сиғимининг T/T^* келтирилган ҳарорати T^*=160 K яқинида функциясига боғлиқлигининг поляронли ва киритмали соҳалар ўртасидаги ток ташувчиларнинг қайта тақсимланишига мос келадиган параметрлар $\varepsilon_{F1}\simeq0.086$ эВ, $\varepsilon_{F2}\simeq0.068$ эВ ва f_1=0.15, f_2=0.85 дан фойдаланилган ҳолдаги графиги келтирилган.

Ундан ташқари, 3- ва 4-расмларда легирлаш даражаси x=0.10 бўлган кам легирланган ўтаўтказувчан купратнинг $C_e(T\leq T^*)$ ва $C_e(T\leq T^*)/T$ ларнинг назарий ҳисобланган T/T^* келтирилган ҳарорати T^*=140 K яқинида функциясига боғлиқлигининг $\varepsilon_{F1}\simeq0.189$ эВ, $\varepsilon_{F2}\simeq0.043$ эВ ҳамда турли хилдаги f_1 ва f_2 нинг поляронли ва киритмали соҳалар ўртасидаги ток ташувчиларнинг қайта тақсимланишига мос келадиган параметрлар фойдаланилган холдаги, ҳамда T/T^* келтирилган ҳарорати T^*=160 K яқинида функциясига боғлиқлигининг параметрлар $\varepsilon_{F1}\simeq0.086$ эВ, $\varepsilon_{F2}\simeq0.068$ эВ ва f_1=0.42, f_2=0.58 дан фойдаланилган ҳолдаги графиклари келтирилган.



1-расм. Псевдотирқиш Δ^* ва унинг ҳосил бўлиш ҳарорати T^* ҳароратга боғлиқлиги.



2-расм. Легирланган ўтаўтказувчан купратнинг электрон иссиқлик сиғими; кўргазма: айнан ўша ўтаўтказувчан купратнинг электрон иссиқлик сиғими.



3-расм. Легирланган ўтаўтказувчан купратнинг электрон иссиқлик сиғими T/T^* келтирилган ҳарорати функциясига боғлиқлиги



4-расм. Легирланган ўтаўтказувчан купратнинг электрон иссиқлик сиғими T/T^* келтирилган ҳарорати функциясига боғлиқлиги

5- ва 6-расмларда $0.8T^*<T\leq1.15T^*$ ҳароратлар оралиғида $C_e(T\leq T^*)$ ва $C_e(T\leq T^*)/T$ ларнинг назарий ҳисобланган қийматлари ҳамда Ода гуруҳининг LSCO бирикмаси электрон иссиқлик сиғими бўйича тажриба натижалари таққосланган. 5- ва 6-расмларда кўрсатилган $C_e(T)$ ва $C_e(T)/T$ ларнинг $T\leq T^*$ ва $T>T$ ҳароратларда намоён бўладиган ўзини тутиши $C_e(T)$ ва $C_e(T)/T$ лар назарий ҳисоблашлар натижалари жуда ўхшашлигига эътибор қаратиш муҳим. $C_e(T)$ ва $C_e(T)/T$ нинг қийматлар кўлами (5- ва 6-расмлардаги узликли чизиқлар орасидаги бўялган соҳага қаранг) етарлича катта эканлигини тажриба натижаларидан кўриш мумкин. Шунга қарамай, LSCO бирикмаси учун T^*яқинида $C_e(T)$ и $C_e(T)$/T боғлиқликларда кам ёки кўп сезиларли БКШ-симон сакрашлар мавжуд. ЮҲЎЎ купратларда T_c дан юқорида кузатиладиган, T^* яқинида $C_e(T)$ сакраши (5-расмга қаранг) шакли ва ўлчамлари бўйича БКШ-симон зинали аномалиясига жуда ўхшаш. LSCO ва YBCO бирикмалар учун $C_e(T)$ нинг 5- ва 6-расмларда кўрсатилган, тажрибаларда юзага келиши мумкин бўлган бузилиш ва тажриба хатолиги ҳамда тажриба нуқталарининг етарлича катта тарқалишини ҳисобга олган ҳолда (масалан, 5- ва 6-расмлар), биз $C_e(T)$

учун ҳисобланган натижаларимиз тажриба натижалари билан қониқарли мослик мавжуд деб ишонч билан айтишимиз мумкин.



5-расм. Легирлаш даражаси x=0.10 бўлган LSCO нинг $C_e(T)$ (узлуксиз чизиқ) T/T^* келтирилган ҳарорати функциясига боғлиқлиги T^*=98 K яқинида ҳисобланган ва тажриба натижалари (пунктирланган соҳа) (Oda M. et al., J. Phys. Soc. Jpn. 73 (2004) 2232) билан таққосланган



6-расм. Легирлаш даражаси x=0.10 бўлган LSCO нинг C_e/T (узлуксиз чизиқ) T/T^* келтирилган ҳарорати функциясига боғлиқлиги T^*=98 K яқинида ҳисобланган ва тажриба натижалари (пунктирланган соҳа) (Oda M. et al., J. Phys. Soc. Jpn. 73 (2004) 2232) билан таққосланган

Ҳар иккала ҳарорат $T<T^*$ ва $T>T^*$ оралиқларида, тахминий эгри чизиқлар тажриба маълумотларини қониқарли равишда кўпайтиради. Хусусан, 5- ва 6-расмлардаги $C_e(T)$ ва $C_e(T)/T$ эгри чизиқлар тажриба хатолиги оралиғида ётади ва шу сабабли тўғри деб қабул қилинади. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ҳатто баъзи муаллифлар T_c дан юқорида ҳам иссиқлик сиғимининг сакрашини топишган, буни БКШ-симон фазавий ўтишдан фарқли ўтиш деб ёритишган, ёки шунчаки инобатга олишмаган.

Аммо биринчи қарашда, $C_e(T)$ бўйича баъзи тажриба маълумотларида T_c дан юқорида сакрашга ўхшаш аномалиялар умуман сезилмаётгандек туюлади, аммо эътибор билан текширганда ЮҲЎЎ купратларда турли хил ҳароратлар $T>T_c$ да $C_e(T)$ ёки $C_e(T)/T$ оғишдан четланишлар кузатилади. Шунинг учун, биз купратларда $T^*=T$ да $C_e(T)$ эгри чизиқ боғлиқлигининг синиш жойларида БКШ-симон фазавий ўтишлар мавжуд деб тахмин қилишимиз мумкин. Аслини олганда, юқори ҳароратлар ($T=T^*$) да фононлар иссиқлик сиғимга асосий улушни қўшади ва шунинг учун умумий иссиқлик сиғимдан электрон иссиқлик сиғимни аниқ ажратиб олиш мумкин эмас. T^* га яқин ҳароратларда, фононларнинг улуши ҳисобига умумий иссиқлик сиғим электрон иссиқлик сиғимнинг улушига қараганда жуда катта ва шунинг учун БКШ-симон псевдотирқиш пайдо бўлиши туфайли аномалияни кузатиш қийин бўлади. Аммо, LSCO ва YBCO бирикмаларида иссиқлик сиғими маълумотларини синчковлик билан ўрганиш, бундай аномалия аниқ мавжудлигини кўрсатди. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, ЮҲЎЎ купратларда $T^*>T_c$ да кутилаётган БКШ-симон электрон иссиқлик сиғими сакрашлари кўп ҳолларда

тажриба хатоликлари фонида яширинган ҳамда киритма ва намуна тақсимотидаги бир хил бўлмаган таъсири туфайли камроқ сакрашлар кўринишида намоён бўлади.

Диссертациянинг **“ЮҲЎЎ-купратларнинг ўтаўтказувчан ҳолатдаги электрон иссиқлик сиғими”** деб номланган учинчи бобида ўтаоқувчан Бозе-суюқлигининг, паст ҳароратларда ($T<<T_c$) ЮҲЎЎ-купратларнинг ва ўтаўтказувчанликка ўтиш ҳарорати ($T<T_c$) атрофида ЮҲЎЎ-купратларнинг иссиқлик сиғимлари бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтаоқувчан Бозе-суюқлигининг иссиқлик сиғими қуйидагича топилади (Лифшиц Е.М., Питаевский Л.П. Стат. Физ.Часть 2. М. Наука, 1978. С.448):

$$C_v(T) = \frac{1}{T^2}\sum_k n_B(k)[1+n_B(k)]\left\{E_B^2(k) + T\left[\varepsilon\frac{\partial|\tilde{\mu}_B|}{\partial T} + \frac{1}{2}\frac{\partial}{\partial T}\Delta_{SF}^2\right]\right\}, \quad (12)$$

